

ШАРТНОМА № 1

Чувама кишлоғи

“5” январ 2022 йил

Биз ким ушбу шартномани тузиб имзо чекувчилар, Ўз низоми асосида иш юритувчи “Asilbek Medfarm Servise” МЧЖ раҳбари Г.Тиркашов келгусида «Таъминотчи» деб номланади, Иккинчи томондан ўз низом асосида иш юритувчи Чуама “Мурувват” уйи номидан унинг раҳбари М.Тоштемирова келгусида «Харидор» деб номланиб, қуйидаги мавзуда келишув шартномасини туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Мазкур шарнома бўйича “Asilbek Medfarm Servise” МЧЖ томонидан (кейинги ўринларда Таъминотчи)

Харидорнинг талабномаси билан ҳаётий зарур дори-дармонлар, тиббий ашёлар, ва стерилланган дориларни 1-илова (спецификация) асосида товарларни сотади Шартномага асосан таварларнинг номи, микдори, нархи ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловада кўрсатилади.

1.2 Сотиб олувчи (кейинги ўринларда Харидор) эса олинган махсулот учун тўлик ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зимасига олади.

1.3 Шартноманинг умумий баҳоси 4 752 000 (Тўрт миллион етти юз эллик икки минг) сўм

№	Дори дармонлар номи	ед	Сони	Нархи	Суммаси
1	Перчатка (100дона)	уп	30	130000	3900000
2	Пахта 25г	шт	100	900	90000
3	Бинт 7*14	шт	100	3000	300000
4	Магний сульфат 25% №10 5мл	уп	30	6000	180000
5	Глюкоза (декстроза) 40% 10мл №10	уп	30	5000	150000
6	Дексаметазон 2мл №10	уп	11	12000	132000
	Жами				4752000

МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1 “Таъминотчи” “Харидорга” Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган тиббиётда ишлатилишга руҳсат этилган. Сифат маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадигон ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига ега бўлган дори-дармонлар ва тиббий махсулотларни сотади.

3 ХИСОБ КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Хисоб китоб “Харидор” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 5-иш кунида “Харидор” етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий сумасининг 30% ни олдиндан аванс тариқасида “Таъминотчи” нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3 “Харидор” томонидан 30% олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг “Таъминотчи” 3 банк иш кунида мазкур шартномада кўрсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандартларига жавоб берадиган тиббий-буюмлар махсулотларини “Харидор”га етказиб беради.

3.4 “Харидор” колган 70% ни “Таъминотчи” томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб- варақ фактуралари асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

4.ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Таъминотчи» махсулот сифатини, микдорини, муддатини кафолатлайди. Сертификат ва бошка меъёрий ҳужжатлар билан таъминлайди

4.2 Томонлар бошка томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши учун жавобгар эмасдилар

- берилган буюртмага асосан етказиб берилган товар махсулотни қабул қилишда асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

- Тавар махсулотни етказиб бериш жараёнида “Таъминотчи” шартнома шартларини ва нармативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса “Харидор” нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб бериш мажбуриятини олади.

4.3 «Харидор» кўрсатилган шартлар бўйича махсулотни қабул қилиб ва махсулот ҳақини кўрсатилган муддатда тўлашни кафолатлайди.

- “Харидор” камчиликларни бепул бартараф этилишин, ёки таъминланиши учун сарфланган харажатларни талаб қилиши ҳуқуқига ега

- “Харидор” мазкур шартнома шартлари тўлик бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга

4.4 «Таъминотчи» томонидан берилган махсулотларни қабул қилиш жараени Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 «Таъминотчи» махсулотни партиялаб бериш ҳуқуқига эга.

5.2 «Таъминотчи» ўз вақтида махсулот етказиб бермаса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган сумманинг 50% ошмаслиги керак.

5.3 «Харидор» ўз вақтида махсулот ҳаққини тўламаса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50% ошмаслиги керак.

5.4 «Харидор» олган махсулот учун сертификатни бошқа сотувчидан олган махсулотлар учун фойдаланса 5% жарима (пеня) тўлайди ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида хал қилинади.

5.5 «Сотувчи» ёки «Харидор» томонидан жарима ёки пеня тўлаш шартнома мажбуриятидан озод этмайди.

5.6 шартноманинг 2 бандига асосан «Таъминотчи» томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун муддатда тасдиқланса, у ҳолда «Таъминотчи» сифатсиз махсулотни сифтли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зимасига олади.

5.7 «Таъминотчи»нинг ҳисоб варақасида махсулот солинган қутилар(тара) идишлар қайтарилишигайд этилган бўлса қутилар, тара, идишлар 15 кун ичида қайтарилиши шарт. Акс ҳолда қутилар идишлар қийматидан қуйидагича пеня тўлайди. 15 кундаг кечиктирилса 50% 30 ва ундан юқори кундан кечиктирса 100 % микдорда пеня тўлайди.

5.8 «Харидор» томонидан сотиб олинётган махсулотларнинг суммаси «Таъминотчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказмаганлик ҳолатлари аниқланса «Таъминотчи» махсулотларни бермаслик ҳуқуқига эга.

6. ФОРС МАЖОР

6.1 Томонларнинг бирида форс- мажор (таъбий офатлар, ёнгин, сув тошқини ва в-х) лар содир этилган тақдирда шартномада белгиланган мажбуриятлардан қисман ёки тўлиқ бажаришдан озод этилади.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1 Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда хал этилади. Низолар вужудқа келганда томонлар ёзма равишда оғохлантириш ҳамда билдиришнома тақдим этади.

7.2 Томонлар ўзаро келишилмаган тақдирда низолар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги Иқтисодий судлар орқали хал этилади

8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий Газначилик бўлимида рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний қучга қиради.

8.2 Шартнома 2022 йил 31-декабр кунга қадарли амал қилади.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1 Агар бир томонда махсулот сифати, микдори ва суммаси тўғрисида ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади, ва ёзма равишда иккинчи томонга маълумот беради.

9.2 «Харидор» «Таъминотчи»ни ҳар ойнинг 5 санасига қадарли шу ойда зарур бўладигон дори воситалари ва тиббий ашёларнинг буюрма рўйхатини тақдим этади, бунда таварнинг номи микдори кўрсатилиши шарт ҳисобланади. «Харидор»га «Таъминотчи» томонидан прайс листлар кўрсатилади шунга асосан «Харидор» нархларга алоҳида этибор берган ҳолда танлов варақасига асосланиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори-дормонларни сотиб олади.

9.3 Ушбу шартнома шартларини бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик ҳолларида тарафлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунида белгиланган тартибда жавобгардирлар.

9.4 «Харидор» махсулот ҳаққини 90 (тўқсон) кун муддатда тўловни амалга оширмаган тақдирда, ундириб олиш чораларини кўриш.

9.5 «Харидор» ва «Сотувчи» ўртасида тасдиқланган, солиштирма (актцверка) далолатномасига асосан акцептсиз махсулот ҳаққини ундириб олиш.

9.6 Шартнома бир хил юридик қучга эга икки нусхада тузилади, ва ҳар бир тарафга бир нусхадан топширилади.

9.7 Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар тарафларнинг розилиги билан амалга оширилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Asilbek Medfarm Servise»

Избосқан тумани Чувама қишлоғи

O'zsanobatqurilishbank Андижон минтақавий филиали

X/p: 20208000305248569001

ИНН: 307538774 МФО: 00075

ОКЭД: 71212

Тел: +998-97-971-20-05

Раҳбар:

Ғ.Тарқашев

«ХАРИДОР»

Чуама «Мурувват» уйи

Манзил: Избосқан тумани Чувама қишлоғи

Банк Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси

шхв: 100021860032147101204344001

ИНН: 201671133 МФО: 00014

ОКЭД: 91800

x/p: 23402000300100001010

ИНН: 201122919

М.Тоштемирова

1. Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларига мос келади.

2. Тарафларга шартнома лойиҳасини имзолашни тавсия этаман.
Ҳуқуқшунос.

М.Каримов